

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

Хулио Кортасар

Инценировка муаллифи – Жавлон Жовлиев

Фарзандим – кўзим қароғи

(“Хулио Кортасарнинг “Беморларнинг саломатлиги” ҳикояси асосида.)

(Драма)

Тошкент – 2015

Қахрамонлар:

Она— Лаура, уй соҳибаси

Клелия хола — уй соҳибасининг синглиси

Роке тоға — уй соҳибасининг укаси

Карлос — уй соҳибасининг ўғли

Пепа — уй соҳибасининг қизи

I кўриниш. Битим

Замонавий Испан оиласининг анъанавий мезонлар асосида безатилган меҳмонхонаси. Ўртада стол-стул, кресло, ортда китоб жавони турибди. Ўнг томондаги столларнинг бирида телефон ҳам бор.

Клелия хола Пепанинг қўлларига таянганча йўталиб сахнага кириб келади ва ўриндиқларнинг бирига ўтиради. Пепа эса, у ёқдан бу ёқа юра бошлайди. Карлос бошларини ушлаганча кириради ва столга таянганча нимларнидир ўйлабқолади. Роке тоға оғир босиқ қадамлар билан кириб келади. Клелия хола оғир ва аччиқ йўталиб бўлгач Роке тоға сўз бошлайди.

Роке тоға. Нега шундай экан-а? Бу даҳшатдан Мария хабардормикан? Ҳечам Алехандронинг тўсатдан автоҳалокатга учраб ўлганини ҳазм қилаолмаяпман. Лекин бу ҳақиқат! Пепа у доридан кейин чиндан ухлаб қолдими?

Пепа.Ҳа, онам менга мунгли кўзларини қадаганча олдин ухлаб қолди. Роке тоға менга жуда оғир! Онам уни ҳар куни касаллигим оғирлигини Алехандро биладими, деб мендан сўрайди.Қандай айтишни билмай ҳалакман!

Роке тоға. Онанг уни кутиб ётибди. Шўрлиик Алехандро эса,онасининг касали оғирлашганлигини эшитгани у, бу ёққа шошилиб келаётган пайтда авто ҳалокатга учраб, ҳалок бўлган. Ўлим билан олишаётган аёлга буни қандай айтиш мумкин,?

Пепа.Йўқ! Менинг тилим бормаиди,мен айтолмайман!

Клелия хола.Онанг бечора кўз олдимда шалвираб боряпти. Қўлларида ҳам мадор йўқ. Менимча бир икки кунга бормаи шўрлик опамдан айрилиб қолсак керак. (маъюсланиб)

Пепа. Хола! Унақа деманг илтимос, сиздан!

Клелия хола.Нима қилай? Менинг ҳам раҳмим келяпти, қизим. Боя кўзларимга маъюс боқиб нима дейди, биласанми? (Йўталиб қолади. Пепа унга стол устида турган идишдан стаканга сув олиб келиб беради.) ... Кечирасиз, бу касаллик қаердан ҳам менга илакишди а? Юрагимни ҳам адо қиляпти...Ўғлим мени кўп кулдирарди, дейди онанг. Кейин у билан шаҳар чеккасидаги кичгинагина балиқхонага борганлигини эслади. У ерда балиқни жуда ширин пиширишар экан. Энди у йўқлигини эшитса, қандай ахволга тушар экан а? Пепа, менинг қўлимдан ушла! (Пепага таянганча ўрнидан туради ва юра бошлайди).

Пепа. (Холасини ушлаганча)Тоға бир иложини топинг, онам Алехандрони жуда яхши кўарарди. Унинг ўлимини кўтара олмайди !Сира кўтара олмайди!Докторга маслаҳат солганимда, у ҳам шунақа деди. Ҳафақон шунақа ёмон касал экан-да! Унга айтмай турганларинг маъкул деяпти. Лекин...

Роке тоға. Нима лекин?

Пепа. Ўлган одамни тирик деб ҳар куни у ҳақида онамга гапириш. Қўлимиздан келмаса керак! Карлос, сен ҳам бир нима десангчи ахир!?

Карлос. Нима дейшимни кутяпсан! Менинг ҳам бошим қотиб қолди. Укамнинг ўлганини айтсак, онамнинг соғлиги ёмонлашиб қолади буни асло истамайман! Шундоғ ҳам у сира бу дунёда рушнолик кўрган эмас. Аммо Алехандронинг руҳини чирқиратиб, у ҳақида ҳар куни ёлғон тўқиш! Бахтга қарши ҳар соатда онам уни сўроқлаб турибди. Билмадим, даҳшат!

Клелия хола. Опам боя Алехандрони сўраб қолмасин деб, ўзимни ҳар ёққа урдим. Иссиғим ҳам шунга чиқиб кетди. Йўталишни айтмайсанми?!

Роке тоға. Ҳақиқатга тик қарайлик. Унинг бир икки кунлик умри қолди. Ҳақиқатни билиб кетсин.

Пепа. Йўқ! Тоға!

Роке тоға. Тўғри. Бу хабар соғлигини баттар ёмонлаштириб юборади. Уни азоблаймиз, холос. Касал онангиз бахтли ва фарзандлардан хотиржам у дунёга рихлат қилишини истасангиз уни Алехандро тирик деб ишонтириб турушимиз керак.

Клелия хола. Мен ҳам шу фикр тарафдориман. Уни жуда эҳтиёт қилишимиз керак. Алехандрони унга асло эслатмаслик керак. Хафақон деган касаллик балойи аъзим. Алехандронинг ўлимини асло унга эслатиб бўлмайди, зинҳор айтманглар!

Роке тоға. Сизлар нима дейсизлар? (Карлос ва Пепага қараб)

Карлос. Роке тоға, мен онамни яхши биламан. Онам бир оғиз ноўрин гап ёки арзимаган белги бўлса, тамом, у ўша заҳоти ҳаммасини сезади. У ўта сезгир, ким-кимга нима дияпти, ким нима қияпти, ким келди, ким йўқ – барчасини билиб ўтиради. Бу гапларимга эътибор берманглар. Менинг фикримни, нима ўйлашимни нима фарқи бор, тоға! Лекин онам бир кун бўлса ҳам бахтли ва хотиржам яшаши учун ҳар нарсага тайёрман.

Роке тоға. Сенчи, Пепа?

Пепа. Жуда кўрқиб кетаяпман, Роке тоға! Онамнинг олдида титраб қоламан. Унинг кўзларига қараш, жуда ўткир қарайди унинг кўзлари! Бу оташ кўзларга қараб қандай қилиб Алехандро ҳақида бемалол гапириш мумкин ҳеч ҳам ақлимга сингдира олмаяпман! Алехандронинг жасади эса кўз олдимда турибди.

Роке тоға. Тўғри, Алехандронинг ўлими ҳаммамизни гангитиб қўйди. (Клелия қараб) Бунинг устига сенинг ҳам тобинг қочаяпти. Сенинг олдинда у эркин ўтирарди. Клелия ўзингни ўйла, аввало! Нафасинг қисиб қолиши мумкин ахир. Сенинг жонинг бир тутам. Биз жуда эҳтиёт бўлишимиз керак!

Пепа. Лекин Алехандронинг қайлиғи, Марияга, қандай тушунтирамиз? Ахир у ҳам Алехандронинг ўлиmidан хабар топган. У онам чақириб қолиши, ёки ўзи ҳамдардликка келиб қолиши мумкин!

Карлос. Мариябизнинг режамизни тўғри тушунармикан?! У жуда чиройли киз, лекин жуда аҳмоқ!

Пепа. Карлос!

Карлос. Узр! Шундай кўринади кўзимга...Алехандро ўлимини эшитиб ўзини бир нима қилиб кўяди деб ўйловдим. У ҳаммасини онамга айтиб қўйиши мумкин.

Пепа. Алехандро ўлмасдан олдин эса, у жуда бахтиёр. У ҳамма орзуларини у билан биргаликда кўмганга ўхшайди.

Роке тоға. Хуллас, онангизнинг тинч ва тотувликда бу дунёни тарк этиши учун кўлимиздан келган ишни қилишимиз керак. Қарор шундай – биз учун ҳам ўша ўктам жияним Алехандро тирик!

Карлос.(ўйчан) Ҳар гал онамнинг олдида кирганимда унинг кўзларига қараолмайман. У укамни сўраганда эса... Эй! (кўл силтайди, кўзларини артади.)

Роке тоға. Карлос, ўзингни бос! Ҳаммамиз ёлғонимизда қатъий турамиз. Опам сокин ва тинч бу дунёни тарк этсин! Ахир у охирги кунларини яшамоқда. Алехандрони ҳали ҳам цемент заводи қурилишида соғ-саломат ишлаб юрибти, деб ўйлаб юраверсин.Эшитдингларми? Чунки қанча куйганинг билан энди бечора Алехандро қайтиб келмайди. Онанг севимли ўғлини бу дунё ташвишларига ўралиб дунёнинг бир чеккасида, менинг ортимдан, қолиб кетди деб ўйлаб яшайверсин. Ҳеч бўлмаса, унинг охирги кунлари тинч ва тотув ўтсин. Хуллас, эшитинглар, ҳаммамиз ўзимизни ақли ва иродали тутамиз. (Клелия холанинг йиғлагани эшитилади.) Ортиқча кўз ёшларга ҳам ўрин йўқ. Карлос холангни уйига кузатиб қўй (Клелия хола билан у чиқиб кетади). Пепа, сен докторга телефон қил, у қачон келиб кетар экан, бил!

Пепа. Ҳозир. (у докторга қўнғироқ қилади.) Ало! Ало, танидингизми мени, доктор! Лаура хонимнинг кизи. Қачон келасиз демокчийдим? Ҳа, албатта, Кутамиз! Кўча эшигини очиқ қолдирамиз. Кўришгунча доктор! (трупкани кўяди) У эрта тонгда келаркан. Эшикни очиқ қолдираверинг, қўнғироқ чалмай индамай кириб боравераман деди. Доктор билан ҳам ишни пишитиб оламиз. Тоға, бечора онажоним ҳаммасидан бохабардек туйилиб кетади гоҳида менга!

Роке тоға. Эй жигарим, фарзанд доғи – минг фалокатдан ёмон. Одамни бутун вужудини эзғилаб адо қилади. Бу қандай азоблигини сен билан мен ҳозир тушунмасак-да, она қалбидаги даҳшатини англашимиз керак. (Пепа йиғлаб юборади) Ҳиссиётларингга эрк берманглар дедимку!

Пепа. Роке тоға, балки сиз ҳақдирсиз...

Роке тоға. Биз келишувимизда қатъий турамиз!

Икўриниш. Жонланиш

(Аввал кампир, ортидан Пепа кириб келади)

Пепа. Онажон, қаерга чиқмоқчисиз? Сизга мумкин эмас!

Она. Эсинг жойидами? Оёғим ишлаб турганда ташқарига чиқишимнинг нимаси ёмон. Лаънати кўрпа тўшакдан безор бўлиб кетдим. Бироз юрмасам касалликдан эмас, димиқиб ўламан.

Пепа. Сиз ахир ростан ўзингизни яхши сезяпсизми? Майли, ҳеч бўлмаса устингизга бир нарса ёпиб олинг, илтимос?

Она. Мен нимагадир жонланиб кетдим? Қаердандир бир куч келди. Кечагина кўзимни очишга қийналиб турувдим. (жим бўлиб қолади)

Пепа. Нима бўлди сизга, она!

Она. Бразилия қандай мамалакат? Сехрлими шунчалар?

Пепа. Нима?

Она. Бразилия ҳақида сўраяпман.

Пепа. Бразилия жуда катта мамлакат. Табиати инсонни ўзига маҳлиё қилиб қўяди. Чарчаб қолмадингизми, онажон? Ростдан яхшимисиз? Бошингиз айланмаяптими? (олдида парвона бўлади)

Она. Худога шукур. Лекин кечалари бу жоним қанчагача бу қийноқларга чидайди, деб ўйлайайман. Ўғлим, Алехандрони келишигача қандай бўлмасин чидашим керак. У менинг кенжатойим, шириним! Айтчи, Бразилиядан, масалан, бугун йўлга чиқса қачон кириб келиш мумкин?

Пепа. Ҳим... нима десам экан?! Бир ҳафталар кетаров.

Она. Бир ҳафта? Бир ҳафтада келса, сўнгра бир ҳафта менинг бағримда турса... Мен унга ўзи ёқтирган италянча спагетти қилиб берардим. Унга жуда ёқади. Ҳеч қанақа ресторанларда менинг спагеттларимдек тайёрлашаолмайди, Ҳатто Италияда ҳам.

Пепа. Мақтончоқ бўлиб кетяпсиз а, ойижон?!

Она. (рангсиз юзларига кулгу югиради) Сенга ҳазил бўлса бўлди. Мен уни шундай соғиниб кетдимки, ҳар тонг унинг ҳаққига дуо қиламан. Шунчалар бемехр бола ўстирдим деб ўйламовдим. У бемехр, тошбағир бола экан. Ҳа, тошбағир!

Пепа. Она, онажон! Мен бемехрманми, Карлосчи? Биз меҳрли бўлсак, Алехандро қандай меҳрсиз бўлиб қолсин. Ахир ҳаммамизни бутун умр меҳнат қилиб, ўша эски салон.. номи нимаиди?

Она. “Буюқдир гўзал аёл” ...

Пепа.Ҳа, Ўша гўзаллик салонида меҳнат қилиб, дадамдан сўнг ҳам бизни зориқтирмай катта қилдингиз! Мана ҳаммамиз ишли. Алехндро ҳам сира оқибатсиз бола эмас. Бизлар топилган ҳаром пулга катта бўлганимиз йўқ. У албатта, шартнома муддати тугагач қайтиб келади. Онажон, деб ёнингизга ўтириб олади.

Она. Пепа болам, кўп гапириб миямни еб қўйдинг!Бор, бор...Юрагим сиқила бошлады? (қўли билан уни итара бошшлайди)

Пепа. Нима дедим сизга, онажон?

Она. Ҳа...Билмайсанми, Мария нега келмаяпти? Уни жуда соғиндим. Балки ўша уканг Бразилия қизларидан ортиб унга хат ёзаётгандир?

Пепа. Келиб қолар, ўқишлари кўпдир.Ахир у талаба!

Пепа. Онажон, бу ерда сиз узоқ қолиб кетдингиз. Ахир сиз ётишингиз керак. Сизга умуман мумкинмас, Онажон ?

Она. Аксинча мумкин! Мен жуда яхшиман. Қизалоғим....жажжи шогирдларинг кўринмайди. Уларнинг скрипкаларининг овози эшитилмай қолди.

Пепа. Уларга таътил бериб юбордим.

Она. Нега?

Пепа. Дам олишим ҳам керак ку?

Она. Ширин қизим менинг, қачон ўзингнинг болаларингни тарбиялайсан? Ҳамманг ёлғизликка интиласан, нега?

Пепа. Менинг бахтим олдинда. Хавотирланманг фарзанд кўришга ҳам улугураман.

Она. Ҳаммангнинг топиб олган гапинг шу: “Улгураман, улгураман”. Акангнинг ҳам шу. Балки менинг ҳолимни кўриб, фарзанд кўриб нима топдингиз демоқчисанми?

Пепа. Унақа деманг!

Она. Алехандро менинг касаллигимни эшитса ҳам келмади ку! Онаси касал бўлсаю, у баҳона ўйлаб ўтирса...

Пепа. Бразилия деганлари Клелия холамнинг уйининг олдида бўлганида эди. Баландроқ бақириб, Алехандро деганингизда чопиб келарди.

Она. У жуда ўзгариб кетган бўлса керак а? Бўйлари ўсгандир, ранглари кизаргандир... Қорин қўйиб ҳам олгандир балки ҳалитдан отасига ўхшаб...

Пепа. Бўлди, етар! (йиғлаб)

Она. Нега йиғлайсан! Боламни эсалашга ҳаққим йўқми?

Пепа. Йўқ! Менинг ҳам қачон болам бўлар экан! Шунга йиғладим. У ҳам оқибатсиз бўлса, нима қиламан!

Она. Кўп гапирма, эрга тегишдан олдин болани ўйлайсан. Ўзи шунақа қанча кеч турмуш курса одам шунча хавотирланадиган бўлиб қолади. Кўп ўйлайдиган бўлиб қолади. Сенинг ҳам акангинг ҳам худбинлигинг ошиб кетди.

Пепа. Балки...

Она. Алехандро унақамас, у ўзига қайлиқ ҳам топганди. Ҳа, айтганча , Мария келармикан, деб сўровдим сендан?

Пепа. Келиб қолар!

Она. Негадир уни жуда кўргим келяпти...

Пепа. Юринг, онажон. Дорингизни ўз вақтида ичишингиз керак.

Она. Уларни кутишга кучим қолмаяпти.

Пепа. Дорини вақтида ичиш керак! Гезатани ҳам кўп ўқияпсиз! (Унинг қўлидан тутмоқчи бўлади, Она қайсарлик қилади)

Она. Нима дунёдаги ўзгаришлардан беҳабар қолиб кетайми?

Пепа. Радио бор ку хонангизда!

Она. Радио менга умуман ёқмайди. Улар кўпроқ бемаъни қўшиқлар беришга ўтиб олган. Бунинг устига бошловчиларнинг овози шунчалик дағалки, кофе турган тарилканг титраб кетади. Шунчалик бемаза рекламалар, айниқса, дорилар рекламасидан менга ўхшаган қариянинг энсаси котади.

Пепа. Кетдикми?

Она. Кутушдан силлам қуриди, Пепа?

Пепа. ... (жим)

Она. Нимага индамайсан?

Пепа. Ҳаммаси яхши.

(Хонага Роке тоға ва Клелия хола кириб келишади)

Она. Келинглари, азизларим!

Пепа. Фақат сизлардан илтимос, онамни чарчатиб қўйманглар. Мен тушликнинг ҳаракатини қилай? (Чиқиб кетади)

Клелия хола. Оҳ, азизам, нега бу ерга чиқдинг? (йўталиб қолади)

Роке тоға. Ҳа, нега?

Она. (кайфияти ўзгариб) Нима? Менинг оёққа турмай битта хонада бўғилиб ўлишимни хоҳлабмидинглар? (стулларнинг бирига ўтиради)

Клелия. Нималар деяпсан, Лаура! Кўринишинг жуда яхши. Бўяндингми? (Кампир бошини ерга қадаб ўтира веради.)

Роке тоға. Лаура ҳақиқатдан очилиб кетибсан? (Кампир бирдан бошини кўтаради.) Бу кутилмаган бурилиш! Соғайганинг учун хурсандман!

Она. Клелия, яқинороқ кел, негадир кўзимга ҳамма нимадандир безовта бўлиб кўриняпти?

Клелия. (йўталганча) Нима деганинг бу?! Энди шу гапни топдингми?

Роке тоға. Нега безовта бўлмас эканмиз дунёда бўлган ўзгаришлардан беҳабардек гапирасан а, Лаура? Ахир ноннинг нархи яна ошдику, бунинг устига унга кимёвий моддалар қўшилганлиги учун еб ҳам бўлмай қолди. Иссиқ ноннинг ёқимли ҳидини бора-бора унитиб қўйсак ҳам ажабмас.

Она. (жим)...

Роке тоға. Бунинг устига қаҳва ҳам аччиқлашгандай, эрталаб ичдингми?

Она. Ҳа, лекин жуда яхши эди.

Клелия. Бекор айтибсан! Шунчалик бемазаки, баттар иситмамни ошириб юборди.

Роке тоға. Сенга ёққан бўлса жуда яхши. Уни-буни қўй. Кўринишинг анча яхши. Бугун доктор келиб кетдими?

Она. Ҳа! Ахволингиз яхши, фақат энди газета ўқиманг деди? Кўзларим газета ўқиётганимда қизариб кетармиш. Энди шу эрмак таъқиқланди?

Клелия хола. Биз ўқиб берамиз. (Яна нафас олишга қийналиб қолади)

Роке тоға. Болаларингчи? Ахир уларни қариганингда фойдаси тегиши учун катта қилдингми? (Лаура нигоҳини бошқа ёққа қадаб қолади, Роке ҳам бир он тўхтаб қолади) Мен дўконга чиқишим керак эди?

Она. Бразилиядаги дўстингга хат ёздингми, Роке?

Роке тоға. Йўк, сал туриб ёзаман.

Она. Тезроқ ёз! Ундан илтимос, қил! Бу илтимос тўшакда ётган ўлим кунини яқин бир кампирнинг сенга илтижоси деб ёз. Ўғлимни бориб кўрсин.

Жияним курилишда муҳандис, келишган, кўзлари малларанг, бўйлари узун, ўктам бола, деб ёз! (туриб кетади) Унга вазиятни тушунтирсин. Алехандро менга хабар берсин, хат ёзиб юборсин ҳеч бўлмаса!

Роке тоға. Бугуноқ дўстимга хат ёзаман. Бўпти, мен кетдим. (чикиб кетади)

Клелия.(Жимликни бузиб) Эсингдами ёшлигимизда Мадрид кўчаларида қандай юрардик. Сен ўша аҳмоқ Жек исимли англиялик сайёҳ билан қочиб кетмоқчийдинг....(йўталиб қолади)

Она. Ҳа, у пайт ўн олти ёшли оппоқина қизча эдим. (У ёшларга тақлидан юриб кўрсатади. Кейин бирдан жим бўлиб қолади ва жойига ўтиради)Ҳамма нарса биз ўйлагандай бўлишига шубҳа қилмасдик. Ҳаёт эса, аксинча экан. Клелия, дори чигансанми?

Клелия. Ҳа, ташвиш қилма, ўтиб кетади.

Она. Сен нима деб ўйлайсан, ўша Жек билан кетганимда ҳозир ҳаётим қандай кечган бўларди?

Клелия. Билмадим, Балки Лондоннинг кироличаси дугонанг бўларди...Лекин оила, фарзандларинг шундай бўлишармиди?

Она. Фарзандлар! Алехандро ... кенжатойим.

Клелия.(йўталиб қолади)

Она. Ўзингни эҳтиёт қил, Уйинга тезроқ борақол.

Клелия. Ҳаммаси яхши. Сен билан яна ҳасратлашай.

Она. Клелия, онамнинг кўзларини кўргим келаяпти. Қанийди онамнинг нигоҳини кўрсам. Биласанми, дунёда мен учун онамнинг нигоҳидан самимий ва мўтабар нигоҳ йўқ. (кампирнинг кўзлари намланади)

Клелия. Йиғлама, Лаура, ўтинаман сендан! Мен ҳам энди қайта қолай. (Пепа киради)

Пепа. Йўқ. ёнғоқли перожни тайёрлаяпман.

Клелия. Мен кечки пайт келаман, дорини вақтида ичир? Карлос ишдадур. У ҳам келиб қолар. (Алехандро Пепа қўлларида бардам бўл тариқасида ушлаб қўйди) Мен кетдим, Лаура...(кетади)

Она. ... (жим нигоҳларини ерга қадаб қолади)

Пепа. ... Она йиғладингизми? Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас, ахир.

Она. Онам эсимга тушиб кетди. (Турмоқчи бўлади. Пепа ёрдам беради) Ҳаликучим бор қизим. Лекинқўнглим ўзимга бегона. Қарилик курсин. Клелия ҳам чарчаб қолибди. Сен унинг кўзларида ёш кўрмадингми?

Пепа. ...Йўқ.

Она. Ҳечам ўзини эҳтиёт қилмайди. Мен овутиш ўрнига ўзига қараса бўларди. Менинг олдимга келса йиғлашдан бўшамасди. Нега йиғлаяпсан десам, раҳматли эримни қумсаяпман дейди, шўрлик. Эрим Бразилиянинг йўлида ўлган деб йиғларди. Мени ақлдан айрилган қари кампир деб ўйлайди, шекилли! Эрини Мадридда юрак хуружидан ўлганлигини яхши биламан. Лекин мен синглимни жуда яхши кўраман, яхши кўраман уни! Ёнғоқли перожнингни ичкарига олиб кир. (кетади)

Учинчи кўриниш. Келилия холанинг ўлими.

Оила яна жам бўлган. Пепанинг кўлида қалам ва оққоғоз. Улар хат ёзишмоқда. Келилия хола бир чеккада ҳолсиз ўтирибди. Ҳар замонда аччиқ-аччиқ йўталиб қолади.

Роке тоға. Лауранинг аҳволи яхшиланди. Оёқларига жон кирди. Бу жуда яхши. Қанийди тузалиб кетса. У аниқ ухлаб қолдими, Пепа?

Пепа. Кечаси билан ухламай чиқди. Ёлғонимизни мурраккаблаштиришга тўғри келади. Ҳозир уйкуга кетди.

Роке тоға. Энди амалий ишга ўтмасак бўлмайди. Пепа тайёرمىсан?

Пепа. Ҳа. (ўтириб олади)

Роке тоға. Нима деб бошлаймиз?

Карлос. Ўлган одамнинг тилидан айтиш ғалати бўлар экан?

Роке тоға. Келинлар, Карлос! Алехандрони тирик деб тасаввур қилайлик. (кўкка қараб) Худойим ўзинг кечир! Бошқа нима ҳам қўлимиздан келарди, биз бандаларингни.

Карлос. (чидолмай) Оҳ, бечора онажоним а! Шунча қийналганинг етмайдими? Сенитақдирингда фарзанд доғи ҳам бормиди? Дадам уни бир этак бола билан ташлаб, ўзлари эрта бу дунёни тарк эди. Қандай юмушларни қилмади, онам бечора. У ҳам ҳозиргиларга ўхшаб биронтасига турмушга чиқиб кетса бўларди, лекин ундай қилмади? Кеча доктор билан яна жиддий гаплашдим. Унда қант миқдори яна ошибди. У бу зарбани ҳам эшитса қийналиб ва азобда бу дунёни тарк этар экан. Эсингдами, Пепа, болалигимизда онам иш қидириб юрган пайтларини. Кун совиқ. Адашмасам, ноябрь ойлари. Бизни ижарадор уйидан чиқариб юборди. Меҳмонхоналарда тунашга пулимиз йўқ. Ўша куни кечаси билан кўчада уй қидириб силламиз қуриган эди. Тонгда ойим бизга сўнги пулигакофе оберди. Бизлар навбат билан бир хўпламдан ичишга келишиб олдик. Иссиқ қахвани бирин-кетин пуф-пуфлаб ичдик. Онамга келганда қахва туганини эслайсанми?

Пепа. У бўш идишни оғзига олиб бориб “Бунча аччиқ бўлмаса” деб қўйганди, ўшанда.

Карлос. Кейин онам туғилган шаҳарга келдик. Ҳаётимиз аста-секин яхши бўлиб кетди. Бизни ўқитди!Энди яхши кунларга етганимизда у касал бўлиб қолди.

Роке тоға. Юракни эзмаларинг!

Карлос. Узр тоға, минг бор узр! Бўлди ёза қол ўша хатни, Пепа!

Роке тоға. Ёз!

(Клелия хола аччиқ йўталиб қолади. Нафас қисади. Кейин жимиб қолади.Улар хат ёзишга берилиб кетади)

Роке тоға. Пепа ёз... “Салом онажон, меҳрибоним менинг. Соғлигиз яхшими? Сизни анча яхши бўлиб қолди деб ... эшитдим. Менинг ишларим дуруст. Баразил яхши чиройли жой экан.” Яна нима десак бўлади?“Бу ернинг қаҳвашишунчалар шириники, асти қўяверасиз. Ананаслар сув текин деса, ҳам бўлаверади. Ҳамма нарса бисёр. Камчилигим йўқ. Яқинда янги шартнома қўл қўйдим.”Шундай деймиз. “Мени энди катта муҳандис қилиб олишди. Катта муҳандис бу жуда жавобгарлик дегани, онажон. Лекин барибир сизни соғиняпман, жуда соғиняпман. Янги лавозим, янги масъулият деганларидай ҳеч нимага қўлим тегмаяпти. Мен сизга ваъда бераман беш олти ойдан кейин, албатта, мен бораман, бир ҳафтага, балки бир ойган бораман”.Менимча, бўлди!

Карлос. Тўхтанг, яна бир гапни ёз, Пепа!

Пепа. Хўш,ҳим... “Мени ўйлаб эзилаверманг. Етар бутун умр бизларни ўйлаб қийналганингиз.Ўзимнинг бетакрор ва гўзал Лаурам”.

Роке тоға. Яна нима деб ёзиш керак эдия. Кўп нарсани ўйлаб қўйувдим. Клелия сен ҳам гапирсангчи, яна нима деб ёзайлик? Клелия нега индамайсан?

Карлос. Хола! (Уни қимирлатиб кўради, унинг юзларини ушлайди) У нафас олмаяпти! Ё, Худойим!

Роке тоға. (эхтиёт бўлиб) Нима бўлди сенга, Клелия!

Пепа. (инграб)Хола!

Карлос. Тез ёрдам чақириш керак!

Роке тоға. (унинг томирини ушлаб кўргач) Энди фойдаси йўқ... У опасидан эртароқ кетди, шўрлик!

Карлос. Бу қандай кўргилик! Ей Худо, ўзинг мададкор бўл, ўтинаман сендан.

Пепа. Секини, онам эшитмасин(йиғлаб юборади)

Роке тоға. Ўзингни бос!Бардам бўлинглар.

Пепа. (пичирлаб) Холам, холажоним... йўқ!

Роке тоға. Нима ҳам қилардик. Ҳамманинг у дунёга учар вақти бор. Клелия ўзидан кўра бошқаларга меҳрибон, қадирдонроқ эди. Мен ёрдамчиларни чақирай, шовқинсиз унинг ўз уйида маросимларини ўтказамиз. Энди хатингнинг охирига яна бир гапни қўшиб қўй, Пепа! “Мен Келиля холамини ҳам жуда соғиндим. У ҳам мени кўтариб катта қилганку! Борганимдан сўнг сизларни ўпиб қўяман. Ҳурмат билан ўғлингиз, Алехандро!”

Тўртинчи воқеа. Сирнинг очилиши...

Мария қора кўйлақда кириб келади. У тушкун кайфиятда, ҳамма жойга қарайди.

Мария. (Ҳеч ким йўқлигини кўриб ўз ўзига) Бу уйга шу ҳолатда келаман деб ўйлабмидим?! Ҳар сафар кувонч билан, кўзларим бахтдан порлаб келарди. Бугун сени шайдо қилган кўзлар жикқа ҳўл. (Стулларни ушлаб). О, Алехандро, бу стулларда неча бора сен билан ўтирганмиз. Сен билан қандай кувониб келардик бу ерга. Онанг билан перожни ер эдик. Кейин синглинг, аканг билан ҳазил-хузул қилардик. Уларни кўрганимда чексиз шодланиб кетардим. Қандай яхши дамлар эди а ўшанда? ...Эҳ....Сен менга ўшанда ўсик қошларинг тагидан ўткир нигоҳ билан қараб турардинг. Энди сен йўқсан! Нима бор эди сенга ўша Бразилияда? Ахир сендай муҳандисга ўзимизда ҳам иш топиларди ку! Йўқ! Сен саргузаштни яхши кўрасан. Янги ҳаётни, балки янги қизларни ҳам... Лекин сен мени севардим. Биласанми, касал бўлиб ётиб қоганимда, ёнимдан бирон соня бўлса ҳам жилмагандинг. Мени хурсанд қилиш учун тиниб-тинчимасдинг! Кўзларинг бир меҳр билан боқардики?! Нақадар бахтли оналарим эди. Ҳозир эса бу ерга келиш мен учун азоб! Нега бу ерга чақиртиришди

(Кампир чиқиб келади)

Она. Мария!

Мария. Саломатмисиз, ойижон?

Она. Оҳ, атиргулим Мария...

Мария. Лаура хоним! (уни ўпиб қўяди)

Она. Ёнимга ўтир. Нега бунча озиб кетдинг, соғлигинг яхшими, фариштам?

Мария. Менга нима ҳам қиларди? Ўзингизчи? Яхши бўлиб қолдингизми? Кўринишингиз мен ўйлагандан анча дуруст экан. Хурсандман.

Она. Нима деб ўйловдинг, соғман! Ўқишлар кўпайиб овқат емай қўйдингми, атргулим! (унга қараб) Оҳҳҳ, нега қора кейиб олгансан!!!

Мария. Ахир! Чақиртиришганига сиздан хавотир олдим.

Она. Кўриб турибсан, анча дурустман. Сенинг аҳволинг яхшimasга ўхшайди. Имтиҳонлардан йиқилмадингми?

Мария. Йўқ! Лекин дарслар ҳам жонимга теккан!

Она. Алехандрони ҳам тунлари ухламай нималарнидир чизиб ўтираверарди. Чизаверарди, чизаверади. Бир куни унинг олдиған бориб: “Бемаъни шакллариғи чизганигдан кўра, одамларнинг, масалан, менинг расмимни чизсанг бўлмайдими?” – дебман. Болам бечора кула-кула, “Мен рассоммасман. Лекин бир кун сизнинг расмингизни, албатта, чизаман ”– деганди ўшанда. Алехандро қачон келади, Мария? Сенга хат ёзмайптими?

Мария. Кечирасиз, нималар деяпсиз? (ўрнидан туриб кетади)

Она. Нима бўлди? Уни соғиндингми, шунчалар? Сен нега қора кейиб олдинг, кизим? Бирон яқининг ўтиб қолдими?

Мария. (Хайрон бўлиб унинг кўзларига қарайди)

(Шунда қора кейимда Пепа ва Карлос кириб келишади.)

Карлос. Нега дейсизми? Ахборот дасутурларини эшитмаслигингизнинг оқибати! Наҳот эшитмадингиз?! Ахир бутун Испанияда чўкиб кетган улкан кема учун мотам куни эълон қилиндику? Шунга ҳамма қора кўйлак кейиб олди, ахир биз юртимизни жуда яхши кўрағимиз?

Она. Вой шўрим! Неча киши ўлибди?

Карлос. Аниқ билмайман. Кўп киши?

Она. Вой бечоралар!

Пепа. Она ҳаёжонланманг, кўп эмас.. Бор йўғи тўрт-беш киши. Мария яхшимисан, кўрнишинг анча яхши?

Карлос. Мария анча ўзгариб кетибсан!

Она. Қоматини сақлаётими дейман! Жуда озиб кетибди. Хаёлингга қаердан келди бу фикр? Алехандро талаб қиляптими? Қуйишқондан чиқиб кетди бу бола! Шунча сени куттиргани етмагандек, энди сенинг овқатланишингни ҳам чегарлаб қўйдими! Бунча худбин-а?!

Мария. Илтмос, ундай деманг!

Она. Тўғри-да, ўтакетган худбин бола бўлди у. Отаси, менинг азизим, сира унақа эмас эди. Доим оиласини ва фарзандларини биринчи ўринга қўярди. Қаерга кетса ҳам бир ҳафтадан ортиқ қолиб кетмасди. Ўша бир ҳафта ўтгач ҳам мен уни ёлғиз ташлаб кетганлиги учун айблаб юрардим. Онам билан отам ҳам шунақа эдилар. Бир-бирни кўрмай қолишса Атлантика океанидан ҳам сузиб ўтиб кетишга ҳам тайёр бўлиб қолишарди. Бу бола кимга ўхшади-а?! Сен нега менинг олдимга келмай қўйдинг?

Мария. Кечиринг мени? Меъморчилик ўлгудай қийин соҳа экан. Унинг учун ҳамма фанларни билиш зарур. Шунинг учун умуман вақтим бўлмаяпти. Ўзим ҳам қийналиб кетдим. Бир ёқларга кетиб қолгим келяпти? Ойижон, ҳеч нимани тушинмаяпман?

Она. Ўқиш шунчалик қийинми?

Мария. ...

Она. О... фариштагинам, (меҳр билан сочларини силаб) – йиғлама, кўзларинг ҳам қизариб кетибди, яхши эмас – (Пепа чопиб келиб онасинг йилкасини силай бошлайди). Кечқурун ётишдан олдин кўзларингни мойчечак дамламаси билан чайиб ётгин, эрталабгача анча яхши бўлиб қолади.

Пепа. Ёнғоқли перожни ейсизларими?

Она. Муҳаббат ҳам шунақа бўладими? Шартта ташлаб кетаверадими севганини?

Мария...(Ўрнидан туриб кулиб қўя қолади.)

Она. Ҳозирги ёшлардан нимани ҳам кутасан. Одамлар ўзгариб кетган. Беқарор ва меҳрсиз. Бесабр ва бетоқат, бир нимадан куриқ қолаётгандай ҳовлиқишади. Ит эгасини танимайди. Мария, сен хафа бўлма! Бу гапларнинг сенга аълоқаси йўқ.

Карлос. (онасини ўпиб қўяди). Мария, сени катта –катта уйлар лойиҳасини чизяпти деб эшитдим. Айтчи, бизнинг қирол қасрига ўхшаган истиқболдаги уйимизни қачон лойиҳасини чизиб берасан? Шу уйда онам ўзини янада маликалардек ҳис қилиб яшарди! Биз уларнинг пойларида ўтаверардик...

Она. Карлос,бўлди бас қил, болам. Мария нимадандир хафа... нега сабабини тушунмаяпман. У ҳам Алехандродан ранжиётган бўлса ажабмас.

Карлос. Ранжийди-да! Бразилиядаги соҳилларнинг бирида жоду кўзли дўндикчаларнинг биқинида ўтириб, ишлап топаётган жарақ-жарақ пулларини уларга сарвляётгандан кейин. (Мария йиғлайди. Пепа уни юпата бошлайди.)

Она. Қандай аҳмоқсан а, Карлос?

Карлос. Узр мен ҳазиллашдимку! Ҳаммани ўзимга ўхшатиб юбораман-да. Жин урсин! Алехандро фақат уй куриш билан авворо. У қурган уйларнинг учига қараш учун дурбин керак. У айтишларича ишдан чиқиб ҳар куни тўғри ўзи учун ажаратилган хонага келар экан. Мария, сен бекорга кўз ёш тўкаяпсан. От айланиб барибир қозиғинпи топади...

Она. Карлос? Ўйламай гапирадиган одат чиқарибсан.

Карлос. Бўлди,гапирмайман. Минг бор узр!

Пепа. Дориларингизни ичадиган вақтиз бўлди, онажон!

Она. Ҳа... ўтинаман, Мария! Кетиб қолмай тур. Дориларим шундай кўпки, баъзиларини ичгандан сўнг бир дақиқа бўлса ҳам ётиш керак. Тез чиқаман. (у Пепа билан чиқиб кетишади)

Карлос. Мария, кечир бизни...

Мария. Нимлар қиялпсизлар, ахир? Тушунтириб беринг менга, ўтинаман!

Карлос. Алехандрони жонингдан ортиқ севишинги биламиз! Лекин онамнинг аҳволи жуда оғир. Унга ҳаяжонланиш умуман мумкин эмас. Тўғри, бу оиладан сенга боғланган одам оламдан ўтиб кетди. Оила олдида сенинг мажбуриятинг ҳам йўқ. Лекин бизни ҳам ўйласанг бўларди. Ўлим тўшагида ётган қари кампирга раҳмимиз келгани учун...

Мария. Нималар деяпсан, Карлос! Онангиз жуда ақлли. Нега керак бу томоша? У ҳеч нарсани сезмайдиган телба, эсини еб қўйган кампир эмаску!

Карлос. Докторнинг айтишича унинг санокли кунлари қолди. Бизга жуда ҳам оғир. Бугун Клелия холамини ҳам у дунёга кузатдик. Бизни тушун! Сенга биздан ҳам оғир тушуниб турибман. Лекин онамиз учун, Алехандронинг ёрқин хотираси учун бизга ёрдам беришингни жуда истардим.

Мария. Кечиринг, мени! Сизларни тушунишга ҳаракат қиламан. Лекин онангизнинг кўзларига қарадингизми? (кўзларини артиб)

Она. Жуда киртайиб қолганми? (Она ва Пепа киришади). Шаҳло бўлсинми бу ёшда? Ҳа! Бирам аччиқки ҳозирги дорилар, менимча, буларнинг фойдасидан зиёни кўпроқ... Пепа, қачон Мария келса бошини қотириб, ёнимда ўтириб оласанлар. Карлос зиёфат учун тайёргарлик кўринглар... Пепа бизга бир ширинлик тайёрла, перожнини у жуда яхши кўради, менинг фариштам. Карлос...тезда бизга энг қиммат винолардан олиб кел, ахир бугун менинг фариштам келди..

Пепа. Ҳозир лекин...(чиқиб кетади)

Карлос. Ойи..

Она. Карлос, ҳали ҳам шу ердამисан?

Карлос. (Марияга қараб-қараб чиқиб кетади.) ...

Она. Бугун чўккан кемада ўлган одамларни деб кимлар кўп азият чекади биласанми?

Мария. ...Йўқ, хоним.

Кампир. Оналар! Бу дунёда фарзанд дегани шундай катта куч эканки, юрагининг туб-тубидан сочингининг учигача унинг ҳаёти билан боғлиқ экансан. Фарзанд нобуд бўлса, она ҳам руҳан, жисман бошқа аввалгидай тикланмайдиган бўлиб ўлар экан. Қуруқ суяклари қолади, холос. Кўз

косасида бир томчи ёш қолмайди. Чунки унинг кўз ёшлар ичига, юрагига оқаверади. Охири бу ёшлар онани тупроққа тортиб кетади.

Мария. Мени кечиринг, хоним, лекин сизга бир савол бермоқчийдим? Сиз ҳаммасини биласиз-а? Ҳамма-ҳаммасини билиб турибсиз-а?

Она. Кечалари гоҳо аламдан титраб кетаман. Нега шундай дейман? Сочларимни юлай дейман, юзларимни тимдалашга тайёр бўламан. Менинг охирги кунларим, ёки ойларим қолгандир. О, Алехандро, болам!

Мария. Ойижон, сиз ҳаммасини биласиз! Ҳаммасини билиб туриб томоша кўрсатишдан нима наф? Сабабини айтинг, менга илтимос!

Она. У ҳар сафар мактабдан келганда, опаси билан менинг ишхонамга келишарди. Бирам ширин, бирам ақлли эдики. Уни ҳамма яхши кўрарди. Ишдан сўнг биз озгина айланардик. У чиройли биноларни ўшанда ҳам яхши кўрарди. Мен сизга бундан ҳам катта уй қуриб бераман, ҳали сиз маликалардек яшайсиз деганди. Алехандро ёшлигида яна бир қизиқ воқеа бўлганди. Бир куни...

Мария. (йиғлаб) Бўлди! Бас қилинг, илтимос. Ўтинаман сиздан!

Она. Қизим йиғлама, ҳаммаси яхши бўлади, ҳаёт давом этмоқда. Оналар қурбонликка ҳақли. Лекин гоҳида фарзандлар ҳам шошилиб қоларкан. Танграмнинг иши бу! Сен йиғлама? Сен ёшсан, гўзалсан, бетакрорсан. Мен бу азобни қабул қилдим! Менинг фарзандларим умримни бир кун бўла ҳам узайтирмоқчи бўлишяпти? Лекин мен Ўғлим Алехандронинг авто ҳалокатдан нобут бўлганини билган куним ўлиб бўлганман. Ҳа, ўлиб бўлганман. Эҳ... булар она қалбини қаердан билсин. У ўғлининг кўлига бир тикон кирса сезади. Клелияга ачиняпман, бугун уни кўмиб келишди. Шунинг учун қора кейишганди. Улар мени бошлаб алдашмоқда. Мен ҳам алданмоқдаман. Чунки уларнинг ёлғонига ўзим ҳам ишонишни хоҳлайман. Бунинг учун ўлмаслик учун минг ҳаракат қиляман. Ҳеч бўлмаса уларнинг тасаввурида менинг кўзичоғим, қароғим, кўзим Алехандро тирик бўладику! Мен уларнинг олдида худди аввалги пайтлардагидек ўғлимнинг ҳаёти ҳақида вайсайвераман. Қандай бахт бу! У тирик, ҳа тирик! Лекин уларга ҳам жуда қийин. Қизим сендан ўтинаман. Мени кўргани келиб тур! Сен ҳам Алехандродан хушхабар олиб келиб турсанг хурсанд бўлардим.

Карлос ва Роке тоға қўлида қадаҳ ва вино билан кириб келади.

Карлос. (Марияни ерда ўтирганча йиғлаётганлигини кўриб) Нима бўлди сизга хоним.

Она. Нима ҳам бўларди? Алехандро бевафони эслаб кўз ёши тўкиб олди. Кўз ёши сел бўлиб кетди. Энди қизга ҳолсизланиб қолаётганлигини тушундим.

(Пепа ҳам чикиб келади).

Пепа. Мария сен ақлли қизсан, онамни кўп қийнма? (Марияни олдиға боради)

Мария. Узр! (тутилиб қолади) Мен кетдим! (чошиб чиқиб кетади. Пепа “Мария, Мария”, дея унинг ортидан чиқиб кетади.)

Карлос. У сизга нимадир дедими?

Она. Йўқ. Аксинча, мен унга кўп гапирдим. Алехандрони ёмонлагандим, уни шунчалик севишидан йиғлаб юборди, шўрлик! Унга ачиниб кетдим. Жуда, ачиниб кетдим? Майли, ёшда, ҳиссётлари қайноқ. Бугун жуда ажойиб кун, тўғрими!

Роке тоға. Жуда ҳам тўғри. Бугун бизнинг “Барселона жамоаси” яна ғалаба қозонди?

Она. Ооо, Роке сенга қўш байрам бўлибтида, бугун. Ҳаммаси рисоладагидай бўлдимми?

Роке тоға. Ҳа, Опажон!

Она. Нимага жим бўлиб қолдинг?

Роке тоға. Саволингизни тушунмадим?

Она. Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлдимми, деб сўрадим сендан!

Роке тоға. Ҳа, лекин сиз нимани назарда тутяпсиз? Мен фудболни айтгандим.

Она. Мен ҳам шуни айтдимда сенга! Нега бўлмаса, Карлос, хомуш?

Карлос. (кулади) Мария зиёфатга қолмаганга ўқиняпман.

Она. Клелия кўринмай қолди. Унинг соғлиги яхшими?

Роке тоға. У ҳозир тоғ қўйнида, тиниқ ҳаводан нафас олмаса бўлмас экан. У сенга катта салом айтди. Кейинги ҳафта келиб қолар!

Она. Ҳа, у келганида ҳам, Алехандро келишига ҳам худди шундай зиёфат қиламиз. Уни бирам соғиндимки! Майли...қани қуйчи?

Карлос. Албата (Карлос қадахларни тўлдиради. Онаси ҳеч кимни кутмай тик туриб ичади. Ҳамма ҳайрон қолади.)

V кўриниш. Ёлғонинг авжига чиқиши

Пепа укасидан келган хатни очади.

Пепа. “Ўзимнинг онажоним... (жимлик) меҳрибоним! Яхши юрибсизми? Ҳар зомонда бир борадиган ресторанларга бормай қўйибсиз, деб эшитдим. Боринг! Карлос бемаъни ишларни йиғиштириб, кўп гапириб сизнинг бошингизни қотирмай, сизни у ёқ бу ёққа айлантиргани олиб чиқса бўларди.”

Она. Аҳмоқ бола қандай бораман, касалманку...

Роса. Ойи у сизнинг аҳволингизни тўла тўқис билавермайди ку... Ўқи, Пепа.

Пепа. “Ишларим дуруст. Барзилия жуда чиройли жой экан. Бу ернинг қаҳвасини шунчалар шириники, асти қўяверасиз. Ананаслар сув текин деса, ҳам бўлаверади. Ҳамма нарса бисёр. Камчилигим йўқ. Яқинда янги шартнома тузушди. Мени унда катта муҳандис қилиб олишди. Катта муҳандис бу жуда жавобгарлиги катта ловозим, онажон. Лекин барибир сизни соғиняпман, жуда соғиняпман. Янги лавозим, янги масъулият деганларидай ҳеч нимага қўлим тегмаяпти. Мен сизга ваъда бераман беш олти ойдан кейин мен бораман, бир ҳафтага ёки бир ойга, албатта, бораман. Мени ўйлаб эзилаверманг. Етар бутун умр бизларни ўйлаб яшаганингиз. Мен сизни, Клелия холамини ҳам жуда соғиндим. Ўзимнинг бетакрор ва гўзал Лаурам.

Александр”

(Хатни Пепа ўқиб бўлиши билан Она кўз ёшини артганча йиғлай бошлайди. Карлос билан Пепа унинг икки томонига бориб ўтиради. Пепанинг кўзларидан ҳам ёшланади.

Карлос. Оооо менинг мафтункор фаришталарим. Нега йиғлайсиз? Онажоним, Александрдан хат келгани бахт ку! Айтдим ку, у жуда яхши, лекин қулоқсиз бола деб. Йиғламанг, илтимос! Ахир ўғлингиз шундай мартабага эришибди бундан қувонишингиз керак. Йиғламанг... (Пепага қараб) Сен нега йиғлайсан, Пепа?

Пепа. Бу қувонч ёшлари, тўғрими, она!

Она. Ҳа, Клелия бу хатни ўқиса жуда хурсанд бўларди, уни топинглар илтимос!

Карлос. У тоғда, аҳволи анча яхши экан. Лекин икки ҳафтала турса керак.

Она. Унга айтиб қўй. Соғлиги жуда ёмонлашиб кетмасин, тоғ жуда салқин, калин кейниб юрсин. Кўзлари қоронғуда унча яхши кўрмайди. Эҳтиёт бўлсин. Унга тайинлаб қўйиш керак. Аниқ, тайинлаш шарт. Ҳайрият кўзларимдан ёш томди. Пепа қоғоз қалам ол, мен аканга хат ёзмоқчиман! Мен бесамар тўкилган кўз ёшларим уволи тутиб, зарур ондан тугаб қолган деб юарканман.

Пепа...(йиғлайди)

Она. Пепа сенга қоғоз қалам ол дедим! Александрга хат ёзмоқчиман...

Пепа....(Довдираб нима қилаёганини билмай қолади)

Она... Қизим, ола қол....

Карлос...Эшитмаяпсанми..? Пепа сенга нима бўлган? (у бориб қоғоз ва рўчка олади) Мана, олдим, онажон, нима деб ёзай унга?

Она. “Ўғлим, қароғим менинг, мен сени жуда соғиндим. Болам, келмайсанми, энди?”

Пепа. Бу гапларнинг нима кераги бор, ойи?

Она. “Карлоснинг ҳам лавозими ошди...” Карлос ёзаяпсанми?

Карлос. Ҳа, ёзаяпман. Бу ҳам шарт эмас, онажон!

Она. “Севгилинг билан ҳам ишинг йўқ. У эса, мени ҳар пайшанбада келиб кўриб турибди. Қачон тўй қилмоқчисан?”

Карлос. Секинроқ, ойи! (ўзи учун қайтаради) Қа ..чон.. тўй қиласан ?

Она. “Бечора ўқишлар билан оввора бўлиб озиб-тўзиб кетибди. Менинг ҳам аҳволим оғир. Холанг ҳам касал ётибди.” Ҳа, айтганча унга телефон қилдингларми?

Пепа. Ҳозир сўрадингизку! Ахир у тоғда касал бўлиб қолганлиги учун қайтолмаяпти? Тоғдан телефон симлари ўтмаганку!

Она. Мен бечора кўргани ҳам бора олмайман. Оёғим қадам ташлашим билан синиб кетадигандек қийшаядиган бўлиб қолган.

Карлос. Хатни нима деб тугатай?

Она. Ҳа, эсим қурсин... “Мен сени соғиниб кетдим болам. Қайтиб келганингда, кулоқсиз бола, мен сени энди ҳеч қаяққа ишга жўнатмаган бўлардим. Олдимдан бир қадам ҳам жилдирмаган бўлардим. Илтимос тезроқ кел, ўтинаман! Сени кутгувчи онанг ва жигарларинг!”

Карлос. Ана ёзиб бўлдим. Ҳозир марка ёпиштираман у жўнатиб юбораман.

Она. Менга берчи. (ухатга бир нигоҳ ташладида уни кўзига суртади. Кейин имзо чекади)Келаётганингда кўлингни яхшилиаб юв. Чунки маркалар тўлачанг бўлади.

Карлос. Хўп! Бўлмаса, Алехандрога буни жўнатиб келай..(чиқиб кетади.)

Пепа онасининг ёнига ўтириб унинг қўлларини ўпади.

Она. Умр тезкор машинадек тезда манзилга етиб қолади ва ундан тушишни талаб қилади. Сўнги манзилда тушинг дейди... сенга ҳайдовчи.... сен тушиб қоласан...машина эса яна шиддат билан йўлида давом этиб кетаверади. Сен эса мангу бекатда қолиб кетасан. Менинг мангу бекатимга, тушиш кунларим яқинга ўхшайди. Бекат яқин. Ҳамма қийинчиликлар, азоблар, молявий муаммолар ҳам ўша машина билан кетар экан... Сен ўзининг мангу бекатингда хоҳлаб, хоҳ хоҳламай тушиб қолар экансан! Кимдир ўзи кутганпайт, кимдир тўсатдан тушади ундан. Бу ҳаёт қонуни!Эй Худо, бу дунёда ҳеч кимни мендай куйдирма! Олдин келган карвон олдин

кетмайдими? Олдин отилган тош, манзилга аввал етмайдими? Ҳаётнинг гардишларини ўзгартириб не қилардинг, эҳ Худо!

Пепа. Бўлди, она бўлди! Сизга сира ҳаяжонланиш мумкинмас! Бизни кечиринг, она. Сизни ҳеч ҳам эҳтиёт қила билмадик....

Она. Мен маликлалардек яшаяпманку?

Пепа. Бу дунё машинасидан ҳеч ким тушиб қолмаса, ҳеч ким ўлмаса қандай соз бўларди-а?! Болаликдан яқинларимдан ажралиб қолишдан кўрқардим. Отамнинг ўлими менга кучли таъсир қилган бўлса керак. Лекин мен отамнинг қайтиб келишига, зулмат ортидан тонг отиб куёш чиқишига ишонгандек ишонардим. У қачондир қайтиб келишига шубҳам йўқ эди. Шу билан ўзимни алдаб келганман. Энди мен ўлимдан кўрқаман. Чунки мен энди ўлган одам қайтиб келмаслигини биламан!

Она. Қоида қонунлигича қолиш керак. Агар бу дунёда ҳеч ким машинадан туширилмаса, дунё ғамларидан адо бўлган одамлар ўзларини ўша машинадан ташқарига отишади ёки бутун умр ўша машинадан тушиб қолишни орзу қилиб яшайди..

Пепа. Онажон!

Она. Марияни, Роке тоғангни, ҳаммани чақириб келаоласанми?

Пепа. Нимага?

Она. Вақт бўлди, қизим, ҳарқандай томошанинг ҳам охири бор, қизим! Мен ичкарига кириб бироз дам олай.

Пепа. Она, Онажон! (изларига сажда қилганча қолади)

Олтинчи кўриниш.

Битимнинг бузулиши.

Роке тоға. Клелия, ҳаммаларингга оташин салом айтди. У ҳозир тоғ қўйнида мароқ билан хордиқ чиқармоқда. Нима ҳамма тушкин кайфиятда. Лаура, буларнинг тушқунлигига эътибор қилма, қайтаган сен хурсанд бўл. Чунки дўстим ниҳоят хатимга жавоб ёзибди. Ўғлинг Алеахндро жуда соғ ва омон юрганмиш. Яқинда янги квартаера сотиб ҳам олганмиш. Жуда қимматга. Улар танишиб олишибди. Қиттай ичишибди ҳам. (кулади) Уч ойларда бир олам совғалар билан кириб келиб қолса керак. У яна айтдики!

Мария. Бас! Худо хайрингизни бергур гапирманг, илтимос сиздан!

Карлос. Мария!

Мария. Тинч қўйинглар Алеахдрони! Хоним, гапиринг! Йиғиштир томошангни денг! Қандай чидаяпсиз ахир бунга!

Карлос. Ўзингни босиб ол, Мария! Нималар деб онажонимнинг бошини қотираяпсан? Қанақа томоша, қандай томоша бўлиши мумкин?! Биз ахир актёрлар эмасмиз томоша кўрсатадиган. Она, уни кечиринг, бизни ҳам кечиринг, ўтинаман! Пепа, Роке тоғам сизни жуда яхши кўради, яширадиган сир ҳам йўқ...

(Сукут)

Она. Карлос, қоғоз қалам ол... Алехандрога хат ёзмоқчиман...

Карлос. Албатта! (қоғоз қалам олади.) Қани айтинг!

Мария. Худо ҳаққи! (ўтириб қолади)

Она. “Ўғлим, Алехандро оиламиз билан сени узоқ кутдик, болажоним! Жуда узоқ вақт ўтди! Аммо келмадинг, Клелия холанг ҳам келмай қолди. Иккаланг ҳам бевафо чиқдинглар, жуда тобағир. Майли, энди сизлар томонга ўзим бораман.

Карлос. Ойи, ҳазиллашманг, улар сизни кутишмаяпти. Бу ҳолда қаерга борасиз?

Она. Улар олдига бориш учун менинг ҳолатим айни қулай... Сизларга раҳмат Пепа, Карлос, Роке, фариштагинам Мария... Менга шунча вақт ҳеч нима билдирмай юришга ҳаракат қилдинглар... Ҳаммаси учун раҳмат. Кенжатайим ҳаётдек, у ўлмагандек ўйлаб юриш қандай яхши! Ўйлаб топилган томоша учун катта раҳмат! Бу қандай яхши томоша бўлди. Мени кечиринглар, Клелиянинг хотираси олдида ҳам кечирим сўрашим зарур. Кечир мени, мунис синглим! Мени тушунасан деб ўйлайман. Барча сизлардай фарзандлари ва яқинлари бўлишни орзу қилади. Оналар ҳеч қачон фарзанди умуман қайтмаслигига ишонмайди. Алехандро доим қайтадигандек туйилаверади. Мен ҳам жигарбандимнинг қайтишига ишонман.

Роке тоға. Лаура, Опагинам!

Она. Меҳр-муҳаббатларингни дариг тутмаганларинг учун раҳмат. Катта раҳмат!

Карлос. Онажон!

Она. Мен энди сизларни ортиқ қийнамайман.

(Она юра бошлайди. Шунда у ҳолсизланади ва ўзини йўқотади. Карлос уни тутиб қолади.)

Карлос. Она!

Пепа. Йўқ!

(Онанинг қўллари осилиб қолади)

Мария. Алехандро менинг қалбимда ҳам доим яшайди. Алвидо бардошли она!

Роке тоға. Мана томоша ҳам томом... Лаура бечора, эй Худо, оналар бардошини нимадан яратгансан?!

Пепа ва Карлос онасининг жонсиз гавдасини тиззаларига олади.

Эшик қунғироғи жиринглайди. Мария ўрнидан туриб уни очади ва қўлида хат билан келади.

Мария. Алехандродан хат келибди! (очади ва ўқийди) Жигарларим менинг. Биздан хавотирланманглар, жуда яхшимиз! Онажоним, Клелия холам энди биргамиз! Бизлар оппоқ қайикда, чексиз олам бўйлаб саёҳатга чиқиб кетдик. Албатта, тез кунларда қайтиб келамиз! Бизларни унутманглар! Чексиз ҳурмат билан Алехандро, Клелия хола ва бардошли Онажонгиз!

Тамом

Илмий раҳбар: М. Умаров

04.12.2015